



**Солиҳа АЛЛАЯРОВА,**  
Ўзбекистон Миллий университети докторанти (DSc),  
фалсафа фанлари номзоди, доцент.  
E-mail: s.allayarova@nuu.uz

### ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИДА “SWOT” ТАҲЛИЛИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация

Олий таълим ўқув жараёнида илғор педагогик технология ва методлардан фойдаланиш давр талабидир. Дастлаб иқтисодий, ҳарбий вазиятларни таҳлил қилиш мақсадида қўлланилган “SWOT” таҳлили ҳозирги кунда ижтимоий-фалсафий фанлар соҳасида ҳам самарали стратегия методи сифатида қўлланилмоқда. Ушбу метод қўйилган масалани ҳар тарафлама таҳлил қилиш имконини бериб, таълим жараёнида ўқувчиларда гипотетик тафаккур қобилиятини ривожлантиради, истиқболга мўлжалланган ғояларни шакллантиради. Тақдим этилаётган мақолада “SWOT” таҳлилининг бадиий ижод, хусусан, нафосат ва санъат фалсафаси доирасидаги мавзуларни тушунтириш ва ўзлаштиришдаги имкониятлари ёритилган. Унда ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида қўллаш мумкин бўлган таълим технологиялари баён этилган. Мавзуга оид манбалар ўрганилиб, SWOT” таҳлили методининг таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи хусусиятлари билан боғлиқ хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.  
**Калит сўзлар:** SWOT” таҳлили, педагогик технологиялар, фалсафа, нафосат фалсафаси, санъат фалсафаси, олий таълим.

### ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТОДА SWOT-АНАЛИЗА НА УЧЕБНЫХ ЗАНЯТИЯХ

Аннотация

Использование передовых педагогических технологий и методов в образовательном процессе высшей образования - требование времени. Первоначально использовавшийся для анализа экономической и военной ситуации, SWOT-анализ теперь используется как эффективный стратегический метод в области социальных и философских наук. Этот метод позволяет студентам детально проанализировать проблему, развивает способность гипотетического мышления в процессе обучения, формирует перспективные идеи. В этой статье обсуждаются возможности SWOT-анализа в объяснении и освоении тем в области художественного творчества, в частности, философии искусства и эстетики. В статье описаны образовательные технологии, которые можно использовать в процессе усвоения темы. Были изучены соответствующие источники, разработаны выводы и рекомендации по особенностям метода анализа «SWOT», которые служат для повышения качества обучения.  
**Ключевые слова:** SWOT-анализ, педагогические технологии, философия, философия искусства, философия искусства, высшее образование.

### КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Инсон – ижодкор мавжудот. Нимадир яратилга интилиш унинг фитратида бор. Яратилган неъматларнинг мавжуд бўлиши, ривожланиши ва юксалиши учун озуқа-манбаларга эҳтиёж туғилади. Инсон борлигининг асосий унсурлари – қалб ва руҳият маънавий ижодкорлик, хусусан санъатдан озуқа олиши сир эмас. Санъат – ижтимоий онг шаклларида бири, оламни амалий-ҳиссий ўзлаштириш тури. Санъат инсон меҳнати, ақл-идроқи, шуури билан яратилган, вужудга келган, ижод қилинган нарсалардир <sup>1</sup>14.357<sup>1</sup>. Инсон ички борлигининг ташки объектив борлиққа ҳамда айрим ҳолатларда ўзининг ўзига бўлган эстетик муносабатлари ижодкорликда, хусусан санъатда намоён бўлади. Шундай экан, инсон ижоди ва унинг фалсафий таҳлили фалсафа йўналиши мутахассисларини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Шу боис, ўқитишда замонавий олий таълимнинг ривожланишидаги устувор тамойилларига таяниш, файласуф кадрларни тайёрлашда ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни тадқиқ этиш орқали таълим самардорлигини таъминловчи омилларнинг

илмий асосларини тадқиқ этиш кечиктириб бўлмас вазифалардандир. Шунингдек, ижод ҳодисасининг идрок, билиш, тасаввур жараёнлари билан боғлиқ хусусиятларини педагогик жараёнда шахсни ривожлантирувчи ва касбий салоҳиятини юксалтирувчи метод ва ёндашувларни аниқлаш малакали мутахассислар тайёрлашда ўзига хос амалий аҳамият касб этади. Шу боис, мақолада образли тафаккур ва унинг гипотетик фикрлашни ривожлантиришдаги аҳамиятига эътибор қаратилади.

Мақоланинг **объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объектини фалсафа таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги Нафосат фалсафаси, Санъат фалсафаси фанлари ўқув дастуридаги мавзуларни ёритишда “SWOT” таҳлили усулидан фойдаланиш ташкил этади. Мақоланинг предметини мавзуларни тушунтириш ва мустаҳкамлашда “SWOT” таҳлили усулининг қўлланилиш механизми ташкил этади.

Мақоланинг **мақсади** – Нафосат фалсафаси, Санъат фалсафаси фанлари мавзуларини ёритишда “SWOT” таҳлили усулидан фойдаланишнинг аҳамият-ли томонларини аниқлашдир.

**Адабиётлар таҳлили.** Ўрганилган манбаларни икки – фалсафий ва ўқув-методик йўналишда таснифлаш мақсадга мувофиқ. Мавзунинг фалсафий,

яъни санъат фалсафасига оид хусусиятларини ёритишда республикамизнинг етакчи файласуф олимлари Н.Шермухамедова <sup>[18]</sup>, З.Давронов <sup>[2]</sup>, Б.Хусанов <sup>[17]</sup>, Ш.Қурбонова <sup>[8]</sup>, А.Эркинов <sup>[19]</sup>, Б.Каримов <sup>[1]</sup> кабиларнинг асарларидан фойдаланилди.

Педагогик технологиялар, хусусан SWOT таҳлилнинг методик асосларини очиб беришда ўзбекистонлик мутахассислардан А.Абдуқодиров, Р.Ишмухамедов, А.Пардаев <sup>[5]</sup>, Г.Фузаилова <sup>[16]</sup>, М.Усманбаева, Г.Джаналиева, Г.Гулямова, М.Хошимова, М.Холиқова, Д.Рузиеваларнинг <sup>[4]</sup> илмий-методик асарларидан; Россия ва хориж олимларидан О.С.Майсак <sup>[9]</sup>, А.Н.Загородников <sup>[3]</sup>, Е.Кадышева <sup>[6]</sup>, В.Токарев, Ф.Котлер, Р.Бергер, Н.Бикхофф <sup>[15]</sup>, Rainov V. <sup>[12]</sup>, Shen Tian <sup>[13]</sup> кабиларнинг илмий мақолалари, асарларидан фойдаланилди.

Юқоридаги манбаларда ижод ва символизм ходисаси ҳамда SWOT таҳлил услуги алоҳида ўрганилган бўлса, биз мақолада ушбу услуб орқали танланган мавзунинг моҳиятини очиб бериш имкониятларини аниқлашга эътибор қаратдик.

**Олий таълим ўқув жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишнинг аҳамиятли жиҳатлари.** Таълим тизими – жамият ривожини таъминловчи давлатнинг муҳим стратегик таркибий қисмидир. Сўнгги йилларда республикамиз олий таълим ўқув жараёнига жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг шу соҳадаги энг илғор ютуқлари ва тажрибаларини татбиқ этиш борасида мутахассис (хусусан педагог)лар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди: таълим сифатини оширишга хизмат қиладиган ахборот-коммуникация технологиялари воситасида таълим бериш механизмлари ишлаб чиқилди; интерактив методлар, илғор педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу ҳолат миллий таълим қиёфасининг ўзгаришига сабаб бўлди, десак хато бўлмайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республикамизда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самардорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Бу методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратди. Қуйида ана шундай стратегик методлардан бири - SWOT таҳлилга эътибор қаратамиз.

**Фалсафий фанларни ўқитишда SWOT таҳлил методини қўллаш имкониятлари.** Ижтимоий-гуманитар фанлар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилишда SWOT таҳлил методини қўллаш яхши натижа беради. Ушбу методнинг луғавий маъноси қуйидагича:

- Strong – кучли,
- Weakness – кучсиз,
- Opportunities – имкониятлар,
- Threats – хавфлар <sup>[9.151]</sup>.

Яъни муайян объект (вазият, тадқиқотга нисбатан илмий янгилик)нинг кучли томонлари – айна вақтда мавжуд устунликлари; шу кучли томонларни инкор этувчи кучсиз жиҳатлари; янгиликни амалга оширишдан кейин пайдо бўладиган имкониятлар ва шу имкониятлар таъсирида келиб чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарлар прогноз қилинади.

SWOT-таҳлил ўрганилаётган объектнинг энг долзарб муаммоларини топиш, унинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган таҳдид, хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида олиб борилади. Бундан ташқари кучли томонларни мустаҳкамлаш, кучсиз жиҳатларни камайтириш, имкониятлардан самарали фойдаланиш ва уларни кенгайтириш ва таҳдидларга қарши чораларни кўришга учун тегишли таклифлар ишлаб чиқишда қўл келади.

#### Методнинг расмийлаштирилиш жадвали қуйидагича:

| Кучли жиҳатлар | Кучсиз жиҳатлар |
|----------------|-----------------|
| 1.             | 1.              |
| 2.             | 2.              |
| 3.             | 3.              |
| ...            | ...             |
| Имкониятлар    | Хавф-хатарлар   |
| 1.             | 1.              |
| 2.             | 2.              |
| 3.             | 3.              |
| ...            | ...             |

Методни қўллашнинг муҳим шартлари:

**1. Объектнинг муҳим элементларини ажратиб олиш**

*SWOT-таҳлилда қўриладиган асосий элементлар аниқланилиб, мазкур элементларнинг ҳар бири учун алоҳида баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқилади.*

**2. SWOT-таҳлил учун танлаб олинган элементларни гуруҳларга ажратиш: (Масалан...).**

**3. Ҳар бир элементни алоҳида SWOT-таҳлил қилиш**

**4. Ўрганилаётган объектни тўлалигича SWOT-таҳлил қилиш**

**5. Аниқланган кучли жиҳатлар билан имкониятлар орасидаги боғлиқликни топиш** ёки уларнинг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш, кучсиз жиҳатлар (муаммолар) билан хавф-хатарларнинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини топиш ва тегишли **хулоса бериш** [7].

• Кучли ва кучсиз жиҳатларни, имконият ва хавфларни объектив (холис) умумқабул қилинган мезонлар асосида баҳолаш.

• Баҳолаш учун йиғилган маълумотларни объектив ва реаллигига ишонч хосил қилиш.

• *кучли ёки кучсиз жиҳатларни аниқлашда, имкониятлар ва хавф-хатарлар даражасини белгилашда бошқа* тегишли таҳлил методларидан фойдаланилиши мумкин.

Нафосат фалсафаси, Санъат фалсафаси фанлари ўқув дастурларидаги мавзуларни ўқитишда ушбу методни қўллаш учун тегишли мавзуларнинг асосий мазмунидан тезислар ажратиб олиш мақсадга мувофиқ. Масалан,

- ижоднинг асоси – эркинлик;

- санъатда символдан фойдаланиш – зарурий шартдир;

- бадиий ижодда замон руҳи акс этмоғи лозим ва ҳоказо.

Ўқув жараёнида SWOT-таҳлилни қўллаш ўтилган мавзунини мустаҳкамлашда яхши самара беради ва амалий машғулотлар учун тавсия этилади. Биз ушбу вазифани Эстетика магистратура мутахассислиги 1-курси “Илмий тадқиқот методологияси” фани доирасида ижод ва ижодий фаолиятга оид мавзунининг асосий ғояларини мустаҳкамлашга татбиқ этиб кўраимиз. Магистратура мутахассислигида 9 нафар талаба таълим олади. SWOT-таҳлилни қўллаш учун нафар талабани 3 тадан 3 та гуруҳга бўлиб олаемиз. Ва намуна учун юқоридаги 3 та тезисни танлов асосида кичик гуруҳларга тақдим этаемиз. Талабалар SWOT-таҳлил жадвали асосида ўзларининг хулосалари (тезислари)ни ҳимоя қилишлари лозим. Белгиланган вақт давомида талабалар жамоавий жавобларини тайёрлайди.

**Ўқув топшириқ:**

**1-тезис: Ижоднинг асоси – эркинликдир.**

| Кучли жиҳатлар   | Кучсиз жиҳатлар   |
|--|---|
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Эркинлик – ҳаммада бор.</li> <li>2. Эркинликнинг ҳуқуқий кафолати мавжуд.</li> <li>3. ...</li> </ol>     | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Эркинликни – ҳамма нарса мумкин, деб тушуновчилар ҳам бор.</li> <li>2. Ижод эркинлигини суистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилади.</li> <li>3. ...</li> </ol> |
| Имкониятлар  | Ҳавф-хатарлар   |
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Иқтидор, қобилиятни ривожлантиради.</li> <li>2. Кашфиёт, ихтиролар яратилади.</li> <li>3. ...</li> </ol> | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ҳамма ихтиро ва кашфиётлар ҳам инсоният тақдирига эзгулик олиб келавермайди.</li> <li>2.</li> <li>3. ...</li> </ol>                                       |

**2-тезис: Санъатда символдан фойдаланиш – зарурий шартдир.**

| Кучли жиҳатлар   | Кучсиз жиҳатлар  |
|--|--|
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Символизм – образли тафаккурни ривожлантиради.</li> <li>2. Тасаввур қобилиятини юксалтиради.</li> <li>3. Дунёқарашни бойитади.</li> <li>4. Санъат асарларининг умрбоқийлигини таъминлашга хизмат қилади</li> <li>5. ...</li> </ol> | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ҳамма учун тушунарли бўлмайди.</li> <li>2. Реал воқелиқдан узоклаштиради.</li> <li>3. ...</li> </ol>                       |
| Имкониятлар  | Ҳавф-хатарлар  |
| <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тасаввур қобилиятининг юксалиши орқали янги кашфиётлар ихтиро қилинади.</li> <li>2. Гипотетик фикрлашга асосланган стратегик хулосалар ишлаб чиқишга замин яратади.</li> <li>3. ...</li> </ol>                                     | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Символизм (рамзийлик) мазмунини тушуна олмаганларда санъатдан узоклашиш кузатилади.</li> <li>2.</li> <li>3. ...</li> </ol> |

## 3-тезис: Бадий ижода замон рухи акс этмоғи лозим.

| Кучли жиҳатлар  | Кучсиз жиҳатлар  |
|---|--|
| 1. Замондошларга самарали таъсир кўрсатади.<br>2. Давр қахрамонларини пайдо қилади.<br>3. ...   | 1. Асар фақат шу вақт-замондагина кадрли ҳисобланади.<br>2.<br>3. ...  |
| Имкониятлар   | Ҳавф-хатарлар  |
| 1. Авлодларга ўтмиш ҳақида билим ва тасаввур беради.<br>2. Мотивацион кайфият беради.<br>3. ... | 1. Асарнинг бадий киммати юқори бўлмайди.<br>2. Бадий ижод намуналари маконда ва вақтда чекланади.<br>3. ... |

Ўқув машғулотига мавзулар бўйича тезисларни талабаларнинг ташаббуслари билан аниқлаш ижобий аҳамиятга эга. Бу ташаббус талабаларнинг мавзуни мустақил ўзлаштирганликларини билдириб, масалага танқидий ёндашиш қобилиятларини ривожлантиради.

Умуман олганда, SWOT-таҳлил услубини ижтимоий гуманитар фан мавзуларини ўқитишда самарадорлиги юқори. Чунки, дастлаб сиёсий, иқтисодий, ҳарбий муаммоларни ҳал этиш мақсадида қўлланилган ушбу метод ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларни таҳлил қилишга яхлит ёндашиш, янгилик (ёки вазият)нинг кучли ва кучсиз томонлари, уни амалиётга татбиқ этгандан кейин пайдо бўладиган имкониятлар ва бўлиши мумкин бўлган ҳавф-хатарларни олдиндан аниқлаш имкониятини беради.

**ХУЛОСА.**

Мақолада кўриб чиқилган масалалар ижтимоий гуманитар фанлар, хусусан фалсафа таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёнини ташкил этиш ва олиб бориш учун умумий хулоса ва тавсиялар тақдим этиш имкониятини беради. Аввало, таълим-тарбия бериш жараёнида юксак ахлоқий ва назарий, касбий

билимларни эгаллашга йўналтиришда ўқув жараёни технологиясига эътибор қаратиш, мавжудларини реал имкониятлар билан такомиллаштириш лозим;

- “Нафосат фалсафаси”, “Санъат фалсафаси”, “Илмий тадқиқот методологияси”, “Герменевтика”, “Фалсафа”, “Диншунослик” каби фанларни ўқитишда инновацион таълим технологиялари ва илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўлларини ёритиш;

- образли тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилувчи илғор педагогик технологияларни таснифлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш (ҳар бир машғулот кесимида);

- бакалаврият ва магистратура ўқув режасидаги ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда образли тафаккурни ривожлантириш омилларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ;

- олий таълим битирувчиларининг гипотетик тафаккурни ривожлантиришга хизмат қилувчи педагогик технологиялар, хусусан SWOT-таҳлил услубинининг самарадорлигини эътиборга олган ҳолда ўқув жараёнига кенг қўллашни таъминлаш мақсадга мувофиқ.

**АДАБИЁТЛАР**

- Баходир Карим. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т.: Akademnashr, 2014.
- Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2007.
- Загородников А. Н. Управление общественными связями в бизнесе. Учебник. М: Крокус, 2013 г. (гл.3 «SWOT-анализ: сущность, цель, содержание»)
- Инновацион таълим технологиялари модули бўйича ЎМК. М.Усманбаева, Г. Джаналиева, Г.Гулямова. -Т.: Низомий номидаги ТПДУ, 2015.
- Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. –Т.: Истеъдод, 2008.
- Кадышева Е. SWOT-анализ: сделай качественно. SWOT-анализ. [http://www.denga.com.ua/index.php?option=com\\_content&task=view&id=1005](http://www.denga.com.ua/index.php?option=com_content&task=view&id=1005)
- Крючков, В. Н. (2005). Методологические аспекты SWOT-анализа. *Journal of new economy*, (10).
- Курбанов Ш.М. Илмий ижод методологияси. –Самарканд: СамДУ, 2005.
- Майсак, О. С. (2013). SWOT-анализ: объект, факторы, стратегии. Проблема поиска связей между факторами. *Прикаспийский журнал: управление и высокие технологии*, (1), 151-157.
- Малошик, М. В. (2016). Ключевые моменты свот-анализа развития отрасли культуры г. Улан-Удэ до 2030 года. *Интерактивная наука*, (2).
- Перегудов Л.В., Саидов М.Х., Аликулов Д.Е. Илмий ижод методологияси. –Т.: Молия, 2002.
- Rainov V. Interpretation of Symbols // CULTURE, CIVILIZATION AND HUMAN SOCIETY – Vol. I –©Encyclopedia of Life Support Systems (EOLSS) Academy of Science, Sofia, Bulgaria <http://www.eolss.net/sample-chapters/c04/e6-23-01-04.pdf>;
- Shen, Tian. Recognition of symbols in different cultures: Chinese culture vs. non-Chinese culture. Ames, Iowa: Iowa State University, 2017. Graduate Theses and Dissertations. 15420.
- Фалсафа комусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. -357-б.
- Филип Котлер, Роланд Бергер, Нильс Бикхофф. Стратегический менеджмент по Котлеру. Лучшие приемы и методы = The Quintessence of Strategic Management: What You Really Need to Know to Survive in Business. — М.: Альпина Паблишер, 2012. — 144 с. — ISBN 978-5-9614-2213-9.
- Fuzailova G., Rahmatullaeva O., Ganieva M. SHaxs va jamiyat fanini kasbiy sohalariga yo'naltirib o'qitish metodikasi. O'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalari o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma. - Т.: TDP, 2012.
- Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: Фалс. фан. номз. ... дис. -Тошкент: Университет, 2002. -120 б.
- Шермухамедова Н. Илмий тадқиқот методологияси. –Т.: Фан ва технология, 2014.